O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

**БУГУНГИ СОНДА:**

### ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЎЗБЕК МОДЕЛИ

жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши Ўзбекистон шароитида қўрилаётган чораларнинг бамисли ўзагидир



2

### ГОРДОН БРАУН ТЕРГОВНИ ЎЗИ БОШЛАЙДИ

Гордон Браун парламентда сўзга чиқиб, "миллий хавфсизлик йўналишларини ҳисобга олиб, шунингдек, Френкс бошчилигидаги олиб борилган текширувлардаги сингари, мамлакат мудофааси обрўйига путур етмаслиги мақсадида суриштирув ишларини шахсан ўзим олиб бораман", деди.



3

### ЗАРАУТСОЙ — РАССОМЛАР БЕШИГИ

Санъатшуносларнинг таъбирича, бу ер дунё аҳлининг илк бешиги дея эътироф қилинган. Бу бежиз эмас: қоялардаги турли кўринишдаги тасвирлар, силлиқ тошларга нақшланган расмларда ўша давр овчиларининг ҳаёти, оҳулар акс этган.



4


Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O'zbekiston «ADOLAT» sotsial-demokratik partiyasi

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 27 (731) 2009 йил, 19 июнь, жума

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган


## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 июнь куни Оқсаройда Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) фармойиш берувчи директори Доминик Стросс-Канни қабул қилди.**

Мамлакатимиз раҳбари ушбу ташриф мазкур халқаро молия муассасаси билан ҳамкорликнинг истиқболдаги устувор йўналишларини белгилаб олиш учун қулай имконият эканини таъкидлади.

Ўзбекистон 1992 йилда ХВЖга аъзо бўлган. 1993 йилдан мамлакатимизда ушбу халқаро молия муассасасининг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон билан ХВЖ ўртасидаги ҳамкорлик банк қонунчилигини, статистик қайд ва ҳисобот тизимини, бюджет таснифотини такомиллаштириш, тўлов тизимини ривожлантириш каби соҳаларда, айниқса, фаол ривожланди. Ўзбекистон ХВЖ томонидан ажратилган кредитларни тўлаш бўйича барча мажбуриятларини бажарган.

Ушбу халқаро молия муассасаси Низомининг IV Моддасига мувофиқ, ҳар йили Ўзбекистонга ХВЖ миссияси ташриф буюриб, банк-молия тизимини ривожлантириш, пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш, макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш сингари йўналишларда ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан музокара ўтказади. Хусусан, 2008 йил декабрь ойида Ўзбекистонга ХВЖнинг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти директорининг ўринбосари Сена Экен хоним раҳбарлигидаги миссия келиб кетди. Унинг вакиллари жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз ҳукм сураётганига қарамай, Ўзбекистонда иқтисодий барқарорлик сақлаб қолинганини, ялпи ички маҳсулот ўсиши 9 фоизни ташкил этганини, ташқи савдода — ижобий сальдо, бюджетда — профицит кузатилганини, валюта захиралари ҳажми ошишда давом этаётганини эътироф этди.

ХВЖ Ижрочи директорлар кенгаши ҳам мамлакатимиздаги юқори иқтисодий ўсиш суръатларини, макроиқтисодий барқарорлик изчил мустаҳкамланиб бораётганини, тузилмавий ўзгаришлар муваффақият билан амалга оширилаётганини инобатга олиб, Ўзбекистондаги иқтисодий ривожланишга юқори баҳо берди. Ушбу кенгаш мажлисида Ўзбекистонда иқтисодиётни ривожлантириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар мамлакат савдо ва тўлов балансида ижобий сальдони барқарорлаштириш, олтин-валюта захирасини кўпайтириш имконини бераётгани қайд этилди. Юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар салмоғи ортиб бораётгани туфайли экспортнинг ўсиш суръати ошиб бормоқда.

ХВЖ экспертлари жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз ҳукм сураётганига қарамасдан, жорий йилда ҳам ижобий иқтисодий кўрсаткичларга эришиш учун Ўзбекистонда барча асослар борлигини таъкидлашмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Доминик Стросс-Канн глобал иқтисодий инқироз таъсирини камайтириш ва иқтисодиётни янада ривожлантириш борасида Халқаро валюта жамғармаси Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорликни кенгайтириб бораверишга тайёр эканини қайд этди. Самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан ХВЖ ўртасидаги муносабатларга доир масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

**Муносабат**

## ШҲТ — ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИККА ТАЯНЧ

- **Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ШҲТнинг Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги саммитида ташкилотнинг минтақамиздаги яқин истиқболдаги фаолиятига оид муҳим ташаббуслар билан чиқди.**
- **Саммит якунида ШҲТнинг Екатеринбург декларацияси, терроризмга қарши конвенцияси ва қатор қарорлар имзоланди.**
- **ШҲТга раислик Ўзбекистон Республикасига ўтди.**

(Давоми 2-бетда.)

**Парламентда**









Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни парламентнинг Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, фракция раҳбари Исмоил Саифназаров олиб борди. Унда фракция аъзолари бир нечта муҳим қонун лойиҳаларини қизғин муҳокама қилдилар.



## ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИДА ҚОНУНЛАР МУҲОКАМАСИ

Даставвал депутатлар эътиборига Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳавола этилди. Қонун лойиҳаси юзасидан қуйи палатанинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Собир Турсунов сўзга чиқди.

— Қонун лойиҳаси "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида"ги қонунларга мувофиқ бошқа қонун ҳужжатларидаги атамаларни мазкур қонунларда қўлланилган атамалар билан бир хил ҳолга келтириш мақсадида ишлаб чиқилди. Жумладан, қонун лойиҳасига биноан "муддатли хизмат" атамасини "муддатли ҳарбий хизмат" деган сўзлар билан алмаштириш назарда тутилмоқда. Шу каби ўзгартишларни Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия ҳамда Солиқ ва Меҳнат, шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларининг айрим моддаларига ҳам киритиш таклиф қилинмоқда.

Дарҳақиқат, йиғилишда таъкидланганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан айрим қонун ҳужжатларидаги атамаларнинг бир хиллиги таъминланади. Натижада қонунлардаги баъзи чалкашликлар бартараф қилинади. Қолаверса, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қўшимча харажатлар талаб этмайди.

Йиғилишда "Электр энергияси тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам атрофлича кўриб чиқилди. Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишдан кўзда тутилган асосий мақсад — электр энергетикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. "Умумий қоидалар", "Электр энергияси соҳасининг давлат томонидан тартибга солиниши", "Электр энергиясини ҳосил қилиш", "Электр энергиясини узатиш", "Электр энергиясини тақсимлаш ва сотиш", "Тезкор диспетчерлик бошқаруви", "Электр энергиясини истеъмол қилиш", "Якунловчи қоидалар" сингари 8 та боб ҳамда 34 та моддадан ташкил топган қонун лойиҳасида соҳага оид қатор тушунчаларга аниқ таърифлар берилган. Қолаверса, электр энергетикаси объектлари, электр энергиясини ҳосил қилувчи корхоналар, электр тармоғи хўжалиги объектлари, магистраль электр тармоқлари, ҳудудий электр тармоқлари корхоналарининг вазифалари белгилаб берилган. Яна бир эътиборли жиҳат шуки, қонун лойиҳасининг 12-моддасида юридик ва жисмоний шахсларнинг ўзи фойдаланиши учун электр энергиясини ҳосил қилиши мумкинлиги белгиланмоқда.

— Қонун лойиҳасини такомиллаштириш жараёнида биринчи ўқишда депутатлар томонидан билдирилган тавсиялар, таклиф ва мулоҳазалар инобатга олинди, — деди мазкур масала бўйича сўзга чиққан Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси ўринбосари, фракция аъзоси Абдулла Абдуназаров. — Шунга кўра, тегишли ўзгартишлар киритилди. Бу, ўз навбатида, қонун лойиҳасининг янада такомиллашувига хизмат қилди.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасининг ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканлигини эътироф этдилар. Ўз фикр-мулоҳазалари, нуқтаи назарларини билдирган ҳолда, унинг долзарблигига алоҳида эътибор қаратишди ва қонун лойиҳасини маъқуллашди.

Шундан сўнг йиғилишда "Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси юзасидан Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Насим Алимов сўзга чиқди. Таъкидландики, учинчи ўқишда фракция муҳокамасига киритилган мазкур қонун лойиҳаси археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солади, бу вазифани амалга оширувчи давлат тузилмаларининг ҳуқуқий мақомини белгилаб беради. Қонунда археологик мерос объектларини маданий мерос объектларининг давлат кадастрига киритиш ва чиқариш, археология ашёларини ҳисобга олиш ва сақлаш, археология ашёларини давлатга топшириш, сақлаш ва улардан фойдаланиш шартлари аниқ-тиниқ кўрсатиб берилди. Қолаверса, ушбу қонун лойиҳасини учинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида Қонунчилик палатаси депутатларининг, хусусан, "Адолат" СДП фракцияси аъзоларининг ҳам таклифлари асосида қатор ўзгартишлар, таҳририй тузатишлар амалга оширилди.

Йиғилишда "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Кўриб чиқилган масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари белгилаб олинди.

**Камол АЛЛАЁРОВ,**
**"Adolat" мухбири.**

**Суратларда:** фракция йиғилишидан лавҳалар.

**Носир ҲАЙДАРОВ**
**олган суратлар.**

**Семинар-кенгашлар**

## ЮКСАЛИШНИНГ ЯНГИ ПОҒОНАСИДА



**Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти партия Кенгашларида "Ўзбекистон "Адолат" СДП: юксалишнинг янги поғонасида" деб номланган семинар-кенгашлар ўтказилди. Фаолиятни янада кучайтириш ва давлат бошқарувидаги партия мавқеини оширишга қаратилган мазкур тадбирларда ҳудудий партия ташкилотлари олдида турган қатор долзарб масалалар муҳокама қилинди, галдаги вазифалар белгилаб олинди.**

Пойтахтнинг замон талаблари даражасида барпо этилган муҳташам меҳмонхоналаридан бири — "Tashkent Palace Hotel"нинг мажлислар залида бўлиб ўтган семинар-кенгаш ҳамиша навқирон ва айни пайтда қадимий Тошкент шаҳрининг шаклланиш тарихи, бугуни ва эртаси тўғрисидаги мулоҳазаларни ўз ичига олган тақдимот билан бошланди. Унда айтилганидек, узоқ ва бой тарихга эга шаҳри азим — Тошкент тараққиёт бешикларидан бири бўлган. Зеро, археологик тадқиқотлар, тарихий манбалар шаҳарда илм-фан, маданият, савдо-сотиқ ва ишлаб чиқариш ривожланганлигидан далолат беради. Бунинг халқаро миқёсда эътироф этилгани — унинг 2200 йиллик тўйи ЮНЕСКО ташкилоти иштирокида нишонланиши эса ҳар бир юртдошимизда чексиз фахр-ифтихор уйғотади. Хусусан, яқинда "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган асосий тантаналарни ўтказиш тўғрисида"ги Президент қарорининг қабул қилинишини ҳамюртларимиз, шу жумладан, партия аъзолари ҳам зўр мамнуният ила қарши олишди.

(Давоми 2-бетда.)

**7 кун нафаси**

### ПРЕЗИДЕНТ АСАРИ БИЛИМДОНЛАРИ

**Самарқанд.** Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асарини ўрганиш бўйича ташкил этилган республика кўрик-танловининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди.

Танловда иштирок этган вилоятдаги олти олий ўқув юрти жамоаларининг барчаси ҳам давлатимиз раҳбари асари ва унда баён этилган глобал масалаларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етганликларини намоён этдилар.

Инқироз ва уни бартараф этиш борасида ўз тушунчалари ҳамда қарашлари билан ғолиб чиққан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг "Иқтисодчи" жамоаси танловнинг республика босқичида иштирок этадиган бўлди.

### МЕҲРИБОНЛИК УЙИГА ҒАМХЎРЛИК

**Хоразм.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича Комиссия Хива шаҳридаги 20-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига йил сайин катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда.

Ўтган йили Меҳрибонлик уйи биноси тўла таъмирланиб, замонавий мебеллар, жиҳозлар ва ускуналар билан таъминланган бўлса, бу йил мазкур масканга озиқ-овқат маҳсулотлари ташишга мўлжалланган махсус автомашина совға қилинди.

### ЭНЕРГИЯ ҚУВВАТЛАРИ ОШДИ

**Навоий.** Республикамизнинг уч вилоятини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаб келаётган Навоий иссиқлик электр станцияси эндиликда йилига аввалгидек 3-4 миллион киловатт эмас, балки ўртача 7-7,5 миллион киловатт соатдан ҳам зиёдроқ электр энергияси ишлаб чиқаришга киришди. Бунинг учун акционерлар қўлига ўтган мазкур нур корхонасида кўплаб янги цехлар, қўшимча қувватлар ишга туширилди.

Кончилиги ниҳоятда ривожланган вилоятнинг 20 дан ортиқ йирик корхона ҳамда заводларини мунтазам электр энергия билан таъминлаб келаётган иссиқлик электр станцияси зиммасига бугунги кунда бу ерда ташкил топган иқтисодий эркин индустриал зона ҳудуди ва янгидан иш бошлаган Навоий халқаро аэропорти ҳамда атроф масканларни ёритиш масъулияти ҳам тушди.

